Семинар-тренинг иштирокчилари, шунингдек, "Электр энергиясини сотишни автоматлаштириш маркази" филиалида истемолчиларга кўрсатилаётган хизматлар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлидилар.

Хулоса ўрнида, бугун энергетика соҳасида эркеклар билан елкама-елка меҳнат қилиб келатган аёллар сафи кенгайиб бораётгани, бунинг учун Жамият томонидан гендер тенглик масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, бу каби ишлар тизимли олиб борилиши ва давомийлигини таъминлаш йўлида келгусида ҳам барча чоралар қўрилишига ишонч ҳосил қилиш мумкин.







*Go'zal yurtimizga tashrif buyurgan  
zumrad bahor nafaqat dala va  
bog'larini, balki ko'ngillarnida  
yashartirishi haqiqat.*

*Yasharish va yashnatish fasli barcha  
yurtdoshlarimizga qutlug' bo'lsin.*

*Qalbingiz quvonchga, xonadoningiz esa  
foyzu barakaga to'la bo'lsin!*

**Qoraqalpog'iston Respublikasi  
Qurilish va kommunal xo'jaligi  
sohasida hududiy nazorat  
inspeksiyasi**



## Navro'z –

chinakam xalq bayrami, milliy o'zligimiz ko'zgusi, ma'naviy va madaniy hayotimizning ajralmas qismidir. Ota-bobolarimiz bu ulug' ayyomni qanday pok niyat va yorug' umidlar bilan kutib olgan bo'lsalar, bugun ham xalqimiz mana shunday ko'tarinki kayfiyat bilan Navro'zga peshvoz chiqmoqda. Ulug' ayyom bilan barcha yurtdoshlarimizni muborakbod etamiz!

**Jizzax viloyati  
Qurilish va kommunal xo'jaligi  
sohasida hududiy nazorat  
inspeksiyasi**



Yurtdoshlarimizga bunyodkorlik tuyg'usini baxsh etuvchi go'zal faslning ezgu ayyomi –

## Navro'z

barchangizga muborak bo'lsin.

Jonajon yurtimizning zamonaviy va ko'rkam qiyofasini yaratishdek ezgu maqsad yo'lidagi faoliyatingizda ulkan zafarlar tilaymiz!

**Andijon viloyati  
Qurilish va kommunal xo'jaligi  
sohasida hududiy nazorat  
inspeksiyasi**



Qalblarga quvonch, yurtimizga esa ko'rkamlik olib kelgan go'zal bahor ayyomi –

## Navro'zi olam


barchangizga muborak bo'lsin!

Ming yilliklar osha yetib kelayotgan ezgu bayram yurtimizga tinchlik, hayotimizga esa farovonlik olib kelsin.

**Buxoro viloyati  
Qurilish va kommunal xo'jaligi  
sohasida hududiy nazorat  
inspeksiyasi**







**Bugun qiru dalalar,  
gullagan bog'laru qishloq  
va mahallalarda  
Navro'zning dilbar  
taronalari – Yangi kun  
navolari yangramoqda.  
Ana shunday faraxbaxsh  
lahzalar har biringizni yil  
davomida tark etmasin,  
Sharqona yangi yil  
barchangizga muborak  
bo'lsin!**

**Qashqadaryo viloyati  
Qurilish va kommunal xo'jaligi  
sohasida hududiy nazorat  
inspeksiyasi**



*Bayramlarga boy jonajon yurtimiz yana biz go'zal ayyomni qarshi olish  
arafigasida turibdi. O'lkamizga o'z sepini yoyib kirib kelayotgan bahor bayrami –  
Navro'z bilan barchangizni tabriklaymiz.*

*Ko'ngillar shodlikka to'lib, obod va ozod yurtimiz yanada go'zal bo'laversin!*

**Samarqand viloyati  
Qurilish va kommunal xo'jaligi  
sohasida hududiy nazorat  
inspeksiyasi**





*Yurtimizga go'zal  
ko'klamoyning tashrifi  
Navro'z ayyomiga ulanib,  
keksayu yoshga cheksiz quvonch  
ulashadi.*

*Sumalak to'la qozonlar  
atrofida o'yin-kulgu qilib, bahor  
ne'matlari va bayram quvonchini  
o'zaro baham ko'rayotgan  
mehridaryo xalqimizni*

*Navro'zi olam  
bilan tabriklaymiz!*

**Navoiy viloyati  
Qurilish va kommunal xo'jaligi  
sohasida hududiy nazorat  
inspeksiyasi**



*Navro'zingiz muborak bo'lsin!*

*Qalblarga quvonch ulashib,  
yurtimizga tashrif buyurgan  
go'zal bahorning eng ezgu  
ayyomi albatta, –  
Navro'z bayramidir.  
Ezgu ayyom barchaga ahillik,  
bizdamlilik va mehr-oqibat  
tuvg'ularini olib kelsin.*

**Namangan viloyati  
Qurilish va kommunal xo'jaligi  
sohasida hududiy nazorat  
inspeksiyasi**



# БУХОРО КЎЧАЛАРИ баҳорий байрамга шай

Райҳона ХЎЖАЕВА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Азалдан халқимиз Наврўз байрамини кутиб олишга ўзгача тайёргарлик кўрган. Ҳовли-жойлар, боғу кўчалар ободонлаштирилиб, кишилар байрамни муносиб кутиб олишга интилган. Бу анъанага амал қилган бухороликлар ҳам аини пайтда маҳалларда баҳорги юмушларни бажаришмоқда.

Вилоят Автомобиль йўллари бош бошқармаси ҳамда "Бухоро йўллардан мунтазам фойдаланиш" унитар корхонаси томонидан вилоят марказидаги кўчаларда таъмирлаш-тиклаш, асфальтлаштириш, бетонлаштириш, пидедалар йўлакларини қуриш, йўловчи ва ҳайдовчиларга қўлайлик яратиш каби ишлар олиб боришмоқда. Чунони, шаҳар атрофидан ўтган "М-37" – "Самарқанд-Бухоро-Туркманбоши" автомобиль йўлининг 212-331 километр оралиғидаги 33 километр йўлнинг I-тоифали йўл тўсиқлари, оғоҳлантирувчи устунчалари ва бошқа йўл элементлари тартибга келтирилиб, оқлаш ишлари бажарилган. Ҳозирда мазкур автомобиль йўлининг 264-километрдаги ерости пидедалар ўтиш йўлини қуриш ишлари якунланмоқда.

Вилоят ҳокимлиги матбуот хизматининг хабар беришича, бу йўлнинг 285-километр қисмидаги кўприкнинг "Д-1020" миллиметрли қувурини алмаштириш ва 242-километр қисмидаги кўприкни жорий таъмирлаш ишлари тўлиқ тугатилган. Бундан ташқари, йўлсозлар томонидан "А-380" русумли "Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу" Бухоро ҳалқа йўлининг 13-15 километр қисмини жорий таъмирлаш объектда автогрейдер ёрдамида асфальт-бетондан текисловчи қатлам қурилган.

Шу кунларда Бухоро шаҳридаги ички йўлларда ҳам кенг қўламли ишлар бошланган. Жумладан, Термизий ва Ҳаёт-обод кўчаларида яшовчи аҳоли ёзда чанг-ғуборга бурканиб, қишда лой-балчиқ айланган кўчалари ниҳоят асфальтлаштирилаётганидан миннатдор.

– Худудда йирик лойиҳаларимиздан бири Садриддин Айний номи МФИда бошланган, – деди "Бухоро минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати" давлат унитар корхонаси директори Илс Амонов. – Шу кунларда "Pomegranate Building"

МЧЖ қуриш-пудрат корхонаси йўлсозлари умумий узунлиги 14,5 километрга тенг йўл асосини қуриш, унинг 7,5 километрини асфальтлаштириш ва 7 километрини бетонлаштириш ишларини амалга оширишмоқда. Мазкур лойиҳани ўз вақтида ва сифатли адо этиш, маҳалла инфратузилмасига алоҳида кўрқ берувчи йўл қуриш ишига 10 миллиард 584 миллион сўм маблағ молиялаштирилган. Ҳозирда бу худудда ўттизга яқин ишчи-мутахас-



сис махсус техника ва механизм кучидан унумли фойдаланган ҳолда йўл асосини қуриш ҳамда кенгайтириш билан банд. Шу кеча-кундузда бу лойиҳанинг қарийб 6 километр йўл қисмини қуриш ишлари бажарилган бўлиб, бунда умумий ишларни сифатли яқунлаш учун бир ой мuddат белгиланган. Бу кўча ён томонида пидедалар йўлакларини қуриш, тунги ёритиш чирокларини ўрнатиш кўзда тутилган.

Худди шундай, вилоятнинг яна бир қатор маҳаллаларида йўл қуриш, асфальтлаштириш ва бетонлаштириш ишлари

жадал олиб борилиб, аҳолига қўлай йўл инфратузилмаси яратилаётгани қувонарли, албатта. Жумладан, "Саноат қурилиш эффект" МЧЖ йўлсозлари томонидан Жўйбор маҳалласида аҳоли талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда 3,6 километр ички йўлни асфальтлаштириш ишлари яқинда якунига етказилди. Бу лойиҳани амалга ошириш учун маҳаллий бюджетдан 1 миллиард 780 миллион сўм маблағ сарфланган бўлса, худди шундай,

эди. Замонавий қиёфа касб этган йўл буйларидан пидедалар йўлакларини қуриш, сув қочириб ва тунги ёритиш чироклари шай қилинмоқда.

Бундан ташқари, тумanning "Хумин" МФИдан ўтувчи "4К-179" русумли автомобиль йўлида ҳам асфальтлаштириш ишлари бир маромда давом эттирилмоқда. Худуддан ўтган бу йўл қисмининг 2,5 километрга асфальт-бетон ётқизиш мақсадида ўттизга яқин махсус техника ва ишчи кучи сафарбар қилинган. Мазкур лойиҳа учун 3 миллиард 114 миллион сўм молиялаштирилган бўлиб, белгиланган таъмирлаш ишлари учун йўл қисмига 1 минг 890 тонна асфальт-бетон ётқизилмоқда.

Президентимизнинг 2022 йил 25 октябрда қабул қилинган "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида Шофиркон туманида ҳам "Арабхона" МФИ худудидан ўтувчи "4К-154" русумли автомобиль йўлининг 2 километр қисмини асфальтлаштириш ишлари қизгин давом эттирилмоқда. Кўп йилдирки, таъмир кўрмаган бу йўлга йигирмадан ошқ техника ва механизм киритилиб, ўттизга яқин ишчи-мутахассис ишлаётгани, йўл асфальтлаштирилаётганидан қишлоқ аҳолиси ҳам мамнун. Худуддан ўтган йўлнинг 2 километрини асфальтлаштириш учун 1 миллиард 94 миллион сўм молиялаштирилган бўлиб, аини пайтда йўлсозлар жонбозлиги билан бу ерда 918 тонна асфальт-бетон ётқизилляпти.

Умуман, "Обод қишлоқ" давлат дастури доирасида ўтган йил иккинчи ярмида Денов маҳалласида ички хўжалик автомобиль йўллари тартибга келтирилиб, йўл асоси шағаллаштирилган, қарийб 1 километр йўл қисми "Пешку транс қурилиш" МЧЖ томонидан қиймати 396 миллион сўм маблағ эвазига асфальтлаштирилгани ҳам худуд инфратузилмасини замонавий қуришга келтирди. Бу йўл атрофида эса 830 метр узунлидаги пидедалар йўлга қуриб фойдаланишга топширилган бўлса, қишлоқ кўчасига туман Ободонлаштириш бошқармаси томонидан 100 донна тунги ёритиш чироклари ўрнатилди.

Мухими, туман марказидан анча олисда жойлашган қишлоқларда яратилаётган бу каби қўлайлик шу ерда яшаётган аҳолининг узогини яқин, оғирини енгил қилмоқда. Ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари ўз навбатида, кўп йиллар ўнқир-ўнқир бўлиб, аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлиб келган йўл муаммоси бугун барҳам топмоқда. Асосийси, тарихий аҳамиятга эга шаҳарнинг муҳандислик-коммуникация тармоқлари қаторида маҳалла йўлларининг таъмири эътибор қаратилаётгани, бунда ҳар бир кўча кенг, раван ва ёруғ қўришни касб этаётгани унда истиқомат қилаётган юртдошларимиз учун ҳам аини мuddаодир.



Зарафшон маҳалласидаги 2,1 километрга тенг ички автомобиль йўлини асфальтлаштириш лойиҳасига 1 миллиард 42 миллион сўм сармоя ажратилган.

Бу вазифани ўз зиммасига олган "Бухоросаноат" МЧЖ йўлсозлари томонидан Зарафшон маҳалласи билан бирга Беҳиштиён маҳалласида ҳам 1,3 километрга тенг ички автомобиль йўли асфальтлаштирилгани аҳоли учун кўпдан буён кутилган янгилик бўлди. Йигирмадан ортқ ишчи-мутахассис ва махсус техника кучидан унумли фойдаланилгани ҳолда Беҳиштиёндаги йўл қисми таъмирида 856 миллион сўм маблағ ўзлаштирилган. Шунингдек, ўтган ҳафтада яна бир йўлсозлар жамоаси "Amirbek Gold Wera Servis" МЧЖ томонидан Ҳавзинав маҳалласида 1,1 километрга тенг ички йўл қисмига асфальт бостирилди. Бу лойиҳа учун давлат бюджетидан 649 миллион сўм маблағ ажратилган.

Таъкидлаш керакки, аини пайтда туманларда аввало аҳолини қийнаётган муаммолар ечимига эътибор қаратилмоқда. Бунда йўл таъмирига доир мурожаатлардан келиб чиқиб, манзилли таъмирлаш, йўл ҳолатини яхшилаш, асфальт, бетон ётқизиш, шағаллаштириш ишлари жадал билан давом эттирилмоқда. Хусусан, Бухоро туманини олсак, ўтган ойларида Диосиё, Чуқуррабат, Тойтепа, Шейхлар, Пат-пут, Дилобод, Зафаробод маҳалла ва қишлоқлари ички автомобиль йўлининг 2,5 километр қисми асфальтлаштирилган

## Самарқандда амалга оширилаётган янги йўл лойиҳалари

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, Ҳамза ШУКУРОВ,  
"O'zbekiston bunyodkori" мухбирлари.

Давлатимиз раҳбари якунланган йилнинг 20 декабрида Олий Мажлис ва халқимизга қилган Мурожаатномасида Самарқанд ва Наманган шаҳарларини маъмурий-худудий бирликлар сифатида республика бўйсунурига ўтказишни таклиф қилгани бежизга эмас. Зотан, ҳар иккала шаҳарда сўнгги йилларда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари асрларни асрларга боғлаши шубҳасиз.



Эндиликда Самарқанд шаҳрининг қиёфаси қандай бўлиши, бунда биринчи навбатда, йўллардаги тирбандликларни бартараф этиш, пидедалар йўлакларини, ичимлик ҳамда оқова суви тармоқларини қуриш-таъмирлаш ишлари қай даражада ташкил қилиниши бунёдкорларни ҳам улкан ташаббуслар кўрсатишга ундамоқда.

– Самарқанд шаҳрида бошланаётган янги лойиҳалар, йўл ўтказгичлар, сув тармоқлари қурилиши каби кўпчиликда қизқич ўйготётган саволлар аллақачон ўз ечимини топган, – деди вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармасида бўлиб ўтган тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари Акмал Шукуров. – Бугунги кунда янги лойиҳаларни амалда татбиқ этишга киришиш аввалида бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш ўриллидир. Яъни, Президентимизнинг 2022 йил 8 сентябрда "Абу Дабби Тараққиёт жамғармаси иштирокида "Самарқанд шаҳрида сув таъминоти тизимлари ва йўл тармоқларини модернизация қилиш" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган. Ушбу ҳужжат асосида мамлакатимиз ва Абу-Дабби Тараққиёт жамғармаси ўртасида лойиҳани амалга ошириш учун 4 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган ҳолда 17 йилда қайтариш мuddати билан 300 миллион АҚШ доллари миқдориде кредит расмийлаштирилди.

Шу кунларда ушбу маблағ ҳисобидан 2022-2026 йилларда Самарқанд шаҳридаги Амир Темур кўчасининг Бўстонсарой кўчасидан Гагарин кўчасигача 2,3 километр ҳамда Гагарин кўчасининг Гулобод кўчасидан М-37 автомобиль йўлигача 9,2 километр қисмини қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилган. Бўлиб ўтган тендер натижаларига кўра, "New Tech Samarkand" (Ўзбекистон), "Sinoindustrial Tashkent" (Ўзбекистон) ҳамда "Tekar Teknik Arastirma Ticaret Limited Sirketi" (Туркия) – Консорциуми йўл қурилишини бажаради. Шаҳар кўчаларидаги тирбандликларни қайтариш учун эса Гагарин ва Мирзо Улўбек кўчалари кесимида 750 метр, Гагарин – Рудакий кўчаси кесимида 650 метрли туннель қурилиши режалаштирилган. Бундан ташқари, Гагарин кўчасидаги

темирйўл устида узунлиги 78 метр, Сиёб канали устида 165 метр узунлидаги кўприк қурилади. Бу бунёдкорлик ишлари ҳам маҳаллий ва хитойлик қурувчилар билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Кўпчилик яхши билади, Самарқанд шаҳридаги энг катта муаммолардан бири – ичимлик ва оқова суви таъминоти бўлиб келган. Бир неча йиллар аввал қурилган сув қувурлари ўз мuddатини ўтаб, эскиргани учун оқори босимга дош беролмасдан авария ҳолатларини келтириб чиқарди. Бунга биргина жорий йилда ёққан қалин қор ва унинг ортидан бўлган совуқни мисол қилиш мумкин. Бу каби ҳолатлар эса сув истеъмолдаги узилтишларга сабаб бўлмоқда. Мазкур муаммонинг ечимини сифатида лойиҳа доирасида вилоят сувсозлари туркиялик ҳамкорлар билан бирга шаҳарда 6 та насос станциясини қуради ва 2 та сув иншоотини мукамал реконструкция қилади.

Шунингдек, яна бир лойиҳанинг гуруҳ раҳбари Олимжон Алиходжаевнинг эътирофи эйтишча, сувсозлар томонидан туркиялик ҳамкорлар билан шаҳарда 11,2 километр ичимлик суви тармоғини қуриш, шундан Амир Темур ва Бўстонсарой кўчасидан Гагарин кўчасигача 2,3 километр ҳамда Гагарин кўчасида 8,9 километр тармоқ тортиш ишлари амалга оширилади. Аини пайтда лойиҳа доирасида АҚШ доллари миқдориде кредит расмийлаштирилди.

Масуллашнинг айтишича, чўяндан тайёрланган махсус сув қувурлари Эрон давлатидан келтирилмоқда. Аҳамиятлиси шуки, бу қувурлар сувнинг сифатига таъсир қилмайди, пайвандсиз қопланади ва асосийси, ҳар қандай ноқонуний улаштиришга барҳам беради. Яна бир маълумот, Гагарин кўчасининг Сиёб ариғи устидан ўтган қисмида Ўзбекистон тарихида илк бор узунлиги 182 метрли осма кўприк қурилиши ҳам режалаштирилган. Яқинда ана шу объектада ҳам қурилиш ишларини бошлаш тадориги қурилмоқда.

### Тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига!

## "Ko'chmas mulk xizmatlarini ko'rsatish jamiyati" МЧЖ

очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

"Ko'chmas mulk xizmatlarini ko'rsatish jamiyati" МЧЖ томонидан ташкил этиладиган очиқ танлов савдоларига "Чилонзор буюм савдо комплекси" АЖнинг 2023 йил 9 февралдаги 26-сонли буюртманомига асосан, қурилиш режалаштирилаётган ошхона ва савдо шохобчаларининг ижарага олиш ҳуқуқи бўйича "Ишонч" газетасининг 2023 йилдаги 20 (4772)-сонини ҳамда "O'zbekiston bunyodkori" газетасининг 2023 йил 10 февралдаги 10 (663)-сонини танлов савдоси ўтказиш бўйича эълонлар берилиб, биринчи савдо куни 2023 йил 14 март кунига белгиланган эди. Ушбу кун санаси узайтирилиб, 2023 йил 23 март кунини соат 11.00 дан бошлаб ўтказилиши белгиланди.

Очиқ танлов савдосини ташкиллаштириш бўйича аввал эълонда кўрсатилган савдо шохобчаларининг тақрири ва бошқа кўрсатилган маълумотлар ўз кучида қолгани маълум қиламиз.

Асос: "Чилонзор буюм савдо комплекси" АЖнинг 2023 йил 14 мартдаги 43-сонли хати.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар бир иш кун аввал ёпиқ конвертда солиingan таклифлари ва ариза билан биргаликда куйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

Юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ғувоҳноманинг нусхаси;

Жисмоний шахслар – СТИР ва паспортнинг нусхаси.

Талабгорлар ижарага олиш ҳуқуқининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги суммани закалат сифатида

"Ko'chmas mulk xizmatlarini ko'rsatish jamiyati" МЧЖнинг куйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширувчига қадар тўлашлари шарт: 2020 8000 5053 3172 3021 ХАТБ "DAVR BANK" Олмасор филиали МФО 01121 СТИР 308 112 732.

Таклифи маъқул топилган талабгорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк кун ичида сотувчи билан ижара шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказилган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусовд тумани, Бодомзор йўли кўчаси, 33-уй.

Телефон: 71-237-23-91.

## Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

Март ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги етакчи мутахассиси Нигора Абдугафарова, ҳайдовчи Фасихиддин Далиев, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғининг биринчи ўринбосари Алижон Соатов, девонхона бош мутахассиси Ҳабиба Абдужапарова,

"Ташгипрогор" АЖ махсус қисмлар бўлими бошлиғи Давронбек Каримов, иқтисодчи Дилрабо Хусанова, Қурилишларни тузиш ва мустаҳкамлаш бўлими I-тоифали муҳандиси Дмитрий Отрубеников,

Бухоро вилояти, Қорақўл тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси Фаррух Қиличов, ҳайдовчи Равшан Раҳматуллаев,

Жиззах шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи Олим Уринбаев, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-синов лабораторияси ва бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими етакчи мутахассиси Собир Акрамов,

Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси юрисконсулти Шавкат Шароповларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!





## “Pirami Tower” – ўзига хос лойиҳа

Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ, журналист.

Юртимизда қурилатган иншоотлар билан бирга қурилиш компаниялари сони ҳам кундан-кунга ортиб бормоқда. Уларнинг сафида маҳаллий қурилиш ташкилотлари билан бир қаторда хорижий компанияларни ҳам кўпайиб кўриш мумкин.

Ана шундай хорижий компаниялар томонидан қурилатган яна бир иншоот бу – пойтахт марказида қад ростлаётган “Pirami Tower” дир. Тошкент шаҳрининг Яққасарой туманида барпо этилаётган ушбу объект Туркиянинг “KOC Construction” кўп тармоқли компанияси кўл остидаги “Pirami Global” қурилиш

компанияси томонидан амалга оширилаётган илк лойиҳадир.

“KOC Construction” 1969 йилда ташкил этилган компания бўлиб, ўзига хос тарихи ва қарийб ярим асрлик тажрибага эга. Бугунги кунга компания дунёнинг уч қитъасидаги 9 давлатда турли-туман қурилиш

лоийҳаларини амалга оширган. Компания расмий сайтига назар ташларканмиз, унинг анча катта лойиҳаларни ҳам амалга ошираётгани эътиборимизни тортди.

“Pirami Tower” ўзига хос лойиҳалардан биридир. Иншоот 3 корпусли бизнес марказ, хонадон ва офислардан иборат. Лойиҳа шаҳарнинг кулай қисмида жойлашган. “Pirami Tower” 47 қаватдан иборат бўлиб, 18-қаватдан 47-қаватгача хонадонлар, қолган қаватлар эса офислар учун мўлжалланган. 48-қаватда, яъни бионинг том қисмида бассейн ва дам олиш маскани барпо этилади. Ерости қисми минус 4 қават бўлиб, 1 100 сигимли машина автотурагоҳи учун мўлжалланган. Лойиҳа айна жиҳатлари билан қолган бинолардан фарқ қилади.

Хомашё сифати қандай? Арматура Россиядан импорт қилинади. Цемент эса қурилиш жойининг ўзида М-550 маркали қилиб тайёрланади. Бу жиҳатдан уни анча сифатли дейиш мумкин.

Лойиҳа 2024 йил март ойида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Бинони тўлиқ чет эллик қурувчилар қурмоқда. Унинг зилзилага чидам-лиги 8,5 балл, деб баҳоланган бўлиб, ер тагига 70 метр чуқурликда эгилувчан арматуралар билан мухтакам боғламлар ҳосил қилинган.

Маълумот ўрнида айтиб ўтишимиз мумкинки, “KOC Construction” компанияси юртимиздаги “Hilton”, “Toshkent city”, “Seoul Mun”, “Expomarkaz”, “Akfa” университетлари, “Buxoro Mall”, “Yangi O'zbekiston bog'i” каби катта қурилиш лойиҳаларида ҳам иштирок этган.

## Қадимий Нуротада Наврўз шукуҳи

Ҳилола ИСМАТОВА, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Наврўз байрами юртимизга баҳорнинг бошланиши билан кириб келар экан, халқ наздида шукроналик, саломатлик, тўқлик ва тинчлик тушунчаларини жамлайди. Жорий йил Навоий вилоятида ушбу байрамни кўтаринки руҳда нишонлаш мақсадида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Бунда ҳудуднинг сўлим масканлари, табиат кўйни, боғу роғлар, маҳалларда байрамнинг кенг нишонланишига эътибор қаратилди.

Баланд тоғлар билан ўралган Нурота тумани юртимизнинг тарихий масканларидан бири саналади. Узида миллий руҳ ва маданиятни сақлаб келатган ҳудудда Наврўз байрами биринчилардан бўлиб нишонланди. Туманининг чекка ҳудуди бўлган ям-ашил қир-адирлар бағридаги



Сойкечар маҳалласида ҳозирланган байрам тадбири “Хар кунинг Наврўз бўлсин, жонажон Ўзбекистоним!” дея номланди.

Аҳоли ва меҳмонлар иштирокидаги байрам тадбирини туман ҳокими очиб, барчани фаровонлик, аҳиллик, тинчлик, файзу барака тимсоли бўлган Наврўз билан табриқлади. Байрамда туман Маданият бўлимининг “Нуржаҳон” фольклор жамоаси томонидан саҳналаштирилган чиқишлар, тасвирий санъат, халқ амалий санъати ҳамда миллий хунарамандчилик маҳсулотлари кўргазмаси намойиши бўлиб ўтди.

Бундан ташқари, миллий спорт ўйинлари доирасида тош кўтариш, арқон тортиш, кураш сингари мусобақалар ҳам ўтказилиб, голибар муносиб тақдирланди. Шунингдек, Наврўз байрами муносабати билан “Кўклам неъматлари” кўргазмаси ҳамда “Энг яхши Наврўз таомлари” танлови ҳам ташкил этилди. Табиат кўйинида ўтган байрам йиғилганларга юртимиздаги тинчлик ва фаровонликнинг ифодаси сифатида унутилмас лаҳзаларни тақдим этди. Байрам тантаналари вилоятнинг бошқа туманларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

### ФАРҒОНАДАН ДАРАКЛАР

## Университет учун янги бино

Орифжон ИСМОИЛОВ, Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси мағбуот котиби.

Фарғона шаҳридаги Корея халқаро университетида замонавий ва янги ўқув-амалиёт биноси фойдаланишга топширилди. Тантанали очилиш тадбирида вилоят ҳокимининг ўринбосари Иқболжон Эргашев, Корея – Ўзбекистон Бизнес ассоциацияси раҳбарининг биринчи ўринбосари Эдвард Ким, университет профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари иштирок этишди.

Таъкидлаш ўринлики, замонавий мезонлар асосида қуриб битказилган амалиёт биноси автомобиль диагностикаси учун қўлланадиган компьютер қурилмалари ва бошқа шу каби зарур жиҳозлар билан таъминланган. Шу тариқа бу ерда талабаларга назарий билимларини бевосита амалиёт билан уйғун ҳолатда мустаҳкамлаб бориш имконияти яратилди.

Тадбирда сўз олган вилоят ҳокимининг ўринбосари кейинги йилларда Фарғона вилояти ва Корея Республикаси ўртасида кенг кўламли ҳамкорлик алоқалари хар жиҳатдан ривожланиб бораётганини қайд этди. Университетда дунёнинг илғор таълим стандартлари асосида йўлга қўйилган ўқитиш тизими ҳамкорлик алоқаларини сифат жиҳатдан янги

босқичга кўтариш ҳамда меҳнат бозорида рақобатбардош мутахассислар тайёрлашга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Айни пайтда мазкур нодавлат олий таълим муассасасидаги 12 та факультетда икки минг нафарга яқин талабага таълим берилмоқда. Шунингдек, билим даргоҳида йўлга қўйилган 3+1 қўшма таълим дастури бўйича ҳозирда Кореядаги ҳамкор университетда 111 нафар талаба таҳсил олмоқда. Таълим муассасасида қарийб 60 нафар профессор-ўқитувчилар, шундан, Кореядан жалб этилган 40 нафар ва АҚШдан таклиф этилган 1 нафар хорижий мутахассислар педагогик фаолият билан шуғулланиб келмоқда. Профессор-ўқитувчиларнинг 33 нафари PhD илмий даражасига эга.

## Депутатлар қурилиш объектларида

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 12-13 май кунлари вилоятимизга ташрифи давомида кенгайтирилган тарзда ўтказган мажлисида берган топшириқлари доирасида Кува туманидаги “Қорақум” маҳалла фуқаролар йиғини Терактаги қишлоғида жойлашган оилавий шифокорлик пунктини реконструкция қилиш ишлари бошлаб юборилди. 30 ўринга мўлжалланган уч қаватдан иборат бионинг қад кўтариши ишлари “Eko House Boulding” ҳиссадорлик жамияти томонидан олиб борилмоқда.

Халқ депутатлари Кува туман Кенгаши депутатлари мазкур қурилиш объектида бўлиб, у ерда бажарилаётган ишлар билан танишишди. Шунингдек, депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-40В-сон Қарори ижроси доирасида “Янги-чек” маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли 48-мактабнинг ўқув биносида амалга оши-

рилаётган мукамал таъмирлаш ишларини кўздан кечиришди. Ушбу мактаб биносидаги таъмирлаш ишлари “Fergana Building” қурилиш фирмаси томонидан олиб борилмоқда.

Ўрганишлар давомида депутатлар қурилишга масъуллар ҳамда қурувчиларга бажарилаётган хар бир иш лойиҳа-сметага мос бўлиши ҳамда сифатга катта эътибор бериш кераклигини таъкидлашди.

Депутатлар томонидан ўрганиш ишлари давом этмоқда.

## Талабалар учун замонавий турар жой

Ҳамза ШУКУРОВ, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Тошкент ахборот-технологиялари университетининг Самарқанд филиали талабалари учун хусусий шерикчилик асосида замонавий ётоқхона биноси қуриб, фойдаланишга топширилди.

400 ўринга мўлжалланган мазкур турар жой қурилиши “Gulom Xusen Building” масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари томо-

нидан амалга оширилди. Тўрт қаватдан иборат бинода ёшлар учун барча қулайликлар яратилган бўлиб, иншоотга 22 миллиард сўмдан ортиқ

маблағ сарфланди. Унинг ичида ошхона, кутубхона ва маданият маскани ҳамда спорт майдончаси ҳам бор.

Шунингдек, талабаларнинг дарслардан ташқари бўш вақтларида шуғулланиши учун етарли шароитлар яратилган. Бундай шароит таълим сифатини янада ошириши баробарида йигит-қизларнинг халқаро миқёсда муносиб ўринини эгаллаши, ўқишининг барча босқичларини тизимли равишда йўлга қўйиш имконини беради.



IQTIMOYIY-IQTISODIY GAZETA  
**O'ZBEKISTON BUNYODKORI**  
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

### ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров  
(Тахрир ҳайъати раиси),  
Шерзод Ҳидоятлов,  
Давронжон Адилов,  
Жалол Арашов,  
Козим Туляганов,  
Юлдаш Мағрупов,  
Жамшид Исмаилов,  
Бобир Элмуродов,  
Қудратбек Хошимбеков.

### ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Ҳўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусахҳих **Марҳамат Мусулмонқуллова**

Газета «Ўзбекистон бунёдкори»  
Наширёт уйи МЧЖ томонидан  
нашрга тайёрланди.

«ЎЗБЕКISTON БУНЁДКОРИ»  
НАШИРЁТ УЙИ МЧЖ  
МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси  
Қурилиш ва уй-жой коммунал  
хўжалиги вазирлиги,  
«Ўзсаноатқурилишматериаллари»  
уюшмаси, «ЎзГАСКЛИТИ» ДУК,  
«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,  
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,  
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

### ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100035, Тошкент шаҳри,  
Ниязбек йўли кўчаси, 1-уй.  
Телефонлар:  
71-234-47-18 (қабулхона),  
71-234-47-19 (таҳририят),  
71-234-47-20 (бухгалтерия),  
71-208-12-00 (реклама ва обуна  
бўлими).  
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

### ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ

ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:  
Қорақалпоғистон  
Республикаси: 90-590-37-15.  
Андижон вилояти: 93-410-15-18.  
Бухоро вилояти: 99-705-50-15  
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.  
Навоий вилояти: 99-731-17-40.  
Наманган вилояти: 90-553-02-34.  
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.  
Сурхондарё вилояти: 91-981-61-63.  
Фарғона вилояти: 90-230-85-23,  
90-163-63-82.  
Қашқадарё вилояти: 99-503-43-39.  
Хоразм вилояти: 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлигида 0874-рақам билан  
рўйхатга олинган.  
Нашр индекси – 466.  
Буюртма – Г-337.  
1770 нусхада босилди.  
Қўғоз бичими А-2.  
Ҳажми – 4 табоқ, офсет усулида  
босилган. Баҳоиси келишилган  
нархда. ISSN 2181-8762.  
Таҳририятга келган кўпёзмалар  
тақриз қилинмайди ва муаллифга  
қайтарилмайди.  
Газета таҳририят компьютер  
марказида терилди ва саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан  
сифатли чоп этилишига  
«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси масъул.

### КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,  
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

Набатчи муҳаррир –  
Р. Ҳўжаева.

Набатчи – И. Ибодулло.

ЎАД якуни –  
Топширилди – 23.30. 1 2 3 4 5 6